
ҲАР ТУП ҒЎЗАГА МЕҲРИМИЗ СИНГСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 100 (2648). | Шанба, 23 май 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.





Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ПИЛЛАЧИЛИКНИ ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада пиллачиликни интенсивлаш масаласини муҳокама қилдилар.

Пилла етиштиришни яқин йиллар ичида анча кўпайтириш вазифаси республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари олдига қўйилди. Колхозлар ва совхозларнинг жамоатчилик биноларида боқиладиган қурт уруғининг миқдорини 1965 йилда 40—50 процентга, 1966 йилда 50—60 процентга, 1967 йилда 60—70 процентга, 1968 йилда 70—80 процентга, 1969 йилда 80—90 процентга етказиш, 1970 йилда эса қурт уруғларини кўп қаватли сўкчаклар билан жиҳозланган каттакатта биноларда боқишга тўла равишда ўтишга қарор қилинди. Бунинг учун мавжуд биноларидан фойдаланиш ва янги қуртхоналар қуриш кўзда тутилади, янги қуртхоналарнинг бинолари қурт боқиш мавсуми тамом бўлганидан кейин хўжаликнинг бошқа эҳтиёжлари учун ишлатилиши керак.

1965—1970 йилларда ҳар қайси областда қанча қуртхона ва уларни қандай ускуналар билан жиҳозлаш кераклиги қарорда кўрсатиб ўтилди.

1965—1966 йилларда ҳамма колхозлар ва совхозларда ипак қуртлари икки ёшга киргунча уларни яхши ускуналанган катта биноларда марказлаштирилган тартибда боқиш ва бу ишда республика совхозларнинг директорларига қурт боқиш билан машғул бўлган колхозчилар ва совхоз ишчиларига қуйидаги тартибда иш ҳақи тўлаб туриш тавсия қилинди: пилланинг сифатини ҳисобга олган ҳолда уларга план бажарилган тақдирда етиштирилган пилла қимматининг 50—60 процентигача миқдорида ва пландан ташқари топширилган маҳсулот таннархининг 70—80 процентигача миқдорида ҳақ тўланиши лозим.

Қурт боқиш даврида колхозлар ва совхозлар штатида (ҳар 40—50 қути қурт уруғига ҳисоблаганда биттадан) агротехниклар бўлиши лозим, пиллачилар звеноларига раҳбарлик қилиш мана шу агротехникларга юкланилади.

1964—1965 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ипакчилик факультетига ҳар йили 75 киши қабул қилиш зарур деб топилди. Институт ректоратига ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига ипакчилик факультетининг ўқув программасини икки ой муддат ичида қайта кўриб чиқиш таклиф қилинди. Факультет тайёрлаб бераётган мутахассислар қурт уруғини тайёрлаш, пиллани дастлабки ишлаш, қуритиш, пилла тортиш технологияси соҳасида чуқур билимларга эга бўлишлари таъминланиши лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига ва область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область партия комитетларига 1965 — 1966 йилларда 37 та пилла қуритадиган сушилка қуриш ва бу сушилкаларни янги техника билан ускуналашни таъминлаш, «ГПИ-4» институтига эса мана шу сушилкаларни қуриш учун керакли лойиҳа-смета ҳужжатларини 1964 йилда тайёрлаб бериш вазифаси юкланди. Госпланга, Молия министрлигига ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига пиллани дастлабки ишлайдиган 37 та янги база қуришни назарда тутиб, Пиллачилик бош бошқармасининг штатини ва иш ҳақи фондини кўпайтиришни 1965 йил планида кўзда тутиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига 1966—1967 йилларда Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда биттадан ихтисослаштирилган эотли пиллачилик совхози ташкил этиш вазифаси юкланди. Шу мақсад билан Ўзбекистон ССР Госпланига зарур штатларни кўзда тутиш, «Узгипрозем» ва «ГПИ-4» институтларига мана шу совхозларни вужудга келтириш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини 1965 йилда тайёрлаб бериш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети республика Госпланига ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига 1965 — 1968 йилларда қурт уруғи заводлари ва эотли пиллачилик станцияларини қуриш, уларни реконструкция қилиш вазифасини юкладилар.

1964—1965 йилларда пилла қуритиладиган механизациялашган «КСК—4,5» сушилкаларидан 450 тасини сотиб олмоқ ва қурт уруғи заводларини, эотли пиллачилик совхозларини ва пиллачилик станцияларини ва пиллачилик совхозларини енгил машиналар, пилла-қуритадиган бош участкаларни эса юк автомашиналари билан таъминламоқ учун маблағлар ажратилиши лозим.

Пиллачиликни интенсив л ш учун кураш бошлаган республикамиз Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши ва унинг корхоналаридан қандай ёрдам кутаётганлиги қарорда кўрсатиб ўтилди. Яқин вақт ичида республикага «КСК-4,5» маркали механизациялашган, конвейерли пилла қурти сушилкаларидан 430 таси керак бўлади. Халқ хўжалиги кенгашининг 1966—1967 йилларга мўлжалланган планларида Наманган ва Урганч шаҳарларида ҳар бирида 384 та пилла тортиш установкалари ўрнатилган пиллакашлик фабрикаларини қуришни ҳамда Тошкентдаги пиллакашлик фабрикасида 228 та ва Самарқанд пиллакашлик фабрикасида 384 та станок ўрнатиб, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришни кўзда тутиш зарур.

Пилланинг ипагини тортиб олишни яхшилаб, Ўзбекистон ССРнинг пиллакашлик фабрикаларида пилладан ипак олиш миқдорини 70—75 процентга етказиш, ипак қурти пилла ўрайдиган дасталарни синтетик материаллардан ясаш ва улар учун керакли иш чертёжларини тайёрлаш, шунингдек эотли пиллаларни ипагининг кўплигига ва пилласининг катталигига қараб, саралайдиган аппарат ясаш масаласи кўйилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига ипак қурти уруғини жинсларга ажратиб берадиган аппаратни 1964 йилда физика-техника институтининг кучи билан яратиб бериш таклиф қилинди. Ипакчилик бош бошқармасига ва Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтига СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг қишлоқ хўжалиги экинларини синаш Ўрта Осиё инспекцияси билан биргаликда ипак қуртининг янги зотларини ва гибридларини синовдан ўтказишни тезлатиш топширилди.

Ипакчилик бош бошқармасига ва Ўзбекистон ипакчилик саноати илмий-тадқиқот институтига ҳом ва қуруқ пиллалар учун янги ГОСТ лойиҳасини 1964 йилда апробациядан ўтказиш, «КСК-4,5» ва «КСК-3 маркали пилла қуритадиган янги сушилкаларни синаб кўриш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетига Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши, Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги билан биргаликда давлат пахтачилик бўйича махсус давлат конструкторлик бюросида пиллачилик учун керакли машиналар лабораторияси ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигидан илмий-тадқиқот институтларининг ишларини яхшилаш, ипакчилик соҳасидаги илмий тадқиқотларни КПСС Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари қўйган вазифалар даражасига кўтаришни талаб қилдилар.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасига ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига тут дарахтларини ёшига ва сифатига қараб группаларга бўлиб рўйхатга олишни 1965 йил планида кўзда тутиш таклиф қилинади.

Ўзбекистон ССР Марказий Комитетининг партия комитетларига пилла қуритадиган бош сушилкаларга эътиборни кучайтириш, уларни мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлаш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдириб шуни айтдиларки, фарғоналикларнинг чақиришига жавобан, республика пиллачилари бу йил социалистик мусобақани кенг авж олдиришдилар, қурт боқишни уюшқоқлик билан ва юксак агротехника даражасида ўтказадилар, республиканинг ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини давлатга пилла топшириш мажбуриятларини кўклamда боқилган қурт уруғининг пилласи ҳисобига муваффақиятли бажариш билан нишонлайдилар.

Комплекс механизациялашган звеноолар — пахтачиликнинг асоси. Векобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларда бўлсангиз у соҳада ибратли тадбирлар амалга оширилаётганлигини кўрасиз. Колхоз ва совхозларда механизатор бошлиқ звеноолар сафи кенгайиб бормоқда. Ҳар бир звенога 40—50 гектардан ер ва керакли миқдорда машиналар комплекси бириктириб берилган.

Бу жиҳатдан «Победа» колхозида қилинган ишлар диққатга сазовордир. Колхозда 13 та комплекс механизациялашган звено ташкил этилди. Бу звеноолар донг-дор механизаторлар В. А. Тюпко, Жавод Кўчиевларнинг усулини қўллаб, мўл ва арзон пахта етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозир уларнинг далаларида чигит бир текис ундириб олинган, ғўзага биринчи ишлов бериш тугалланаяпти. Ҳар туп ғўзанинг серҳосил ва соғлом бўлиб ўсиши учун барча чоралар кўрилмоқда. **Суратда: (чапдан) звенода, ғўзани культивация қилиш пайти, (ўнг. да) звено бошлиғи тракторчи Қ. Эгамбердиев.** У ҳозиргача 53 гектар майдонни культивациядан чиқарди. Эндилика далаларни суғоришга тайёргарлик кўрилмоқда.

В. Салов фотоси.

ҲАММА ГАП МЕҲНАТДА

Деҳқон ерни, ер элни тўйдиради, дейдилар. Бизнинг бригадамиз ерлари илгариги Ленин номли колхозда жойлашган. Ҳеч кимга сир эмаски, бу колхозда кейинги пайтда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилдорлик кескин камайиб кетди. Бунинг бирдан-бир сабаби шуки колхозда ернинг қадрига етмай қўйдилар, ўғитга тўйдирмаганликлари туфайли катта-катта майдонлар ориқлатиб қўйилди, бу ҳол албатта экинлардан мўл ҳосил олишга ҳалақит берди. Тўғри, бизнинг бригадамиз ҳар йили ҳам гектаридан 28—29 центнердан ҳосил олар эди. Лекин ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, дони чиқмас экан-да.

Йил бошида ана шу Ленин номли колхоз қўшни юқори ҳосилли Свердлов номли колхоз билан бирлаштирилди. Биз деҳқонлар бу тадбирдан ғоят мамнун бўлдик. Тажрибакор деҳқонлар билан ҳамкорликда қизғин иш бошладик. Энг муҳими ерни экишга тайёрлашга алоҳида аҳамият бердик. Экишни бошлаш олдидан ҳар бир картанинг талабини, хусусиятини ҳисобга олиб ўғитладик. Оби-ҳаво қулай келган ҳар бир кундан унумли фойдаланиб чигит экишни ҳам муваффақиятли тугалладик.

Бизнинг бригадамизга ҳамма-сидан кўп ғўза тушган 122 гектар майдон биркитилган. Ана шу майдонларнинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил топширамиз, деб шартлашдик. Бу ишнинг уддасидан чиқиш учун қандай тадбирлар кўрилди? Механизатор—эндиликда деҳқончиликда ҳал қилувчи куч бўлиб қолди. Усиз пахтачиликнинг истиқболи тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Агар иш бошида механизатор бўлса, ердан истаганча ҳосил олишингиз мумкин. Ана шуни ҳисобга олиб бригадамизда иккита механизациялашган комплекс звено тузилди. Уларга Маъмурхон Толипов, Муртазо Бўронов сингари тажрибали механизаторлар бошлиқ қилиб тайинландик.

Ҳозир бу звеноларнинг далаларида бўлсангиз, бир текисда ундириб олинган ғўза туплариии кўриб қувонасиз. Азаматлар чигит ердан униб чиқиши биланоқ тракторларга культиваторларни тиркаб ишни бошлаб юбордилар. Культивация билан бирга ғўзани озиқлантиришни ҳам йўлга қўйдилар. Бу фидокорларнинг ғайрати билан ҳозирги кунга қадар 60 гектардан ортиқ майдондаги ғўза узунасига ва кўндалангига культивациядан чиқарилди.

Уларнинг даласида биронта ҳам бегона ўти кўрмайсиз. Ҳар бир туп ғўза меҳр билан парвариш қилиниб, машина теримига мослаб ўстириляпти. Звено бошлиқлари — механизаторлар пахта йиғим-терими бошлангунга қадар ҳар гектар ерда 95—100 минг тупдан кўчат сақлаб қолиш учун курашмоқдалар.

Бу йилги шароитда ғўза ягаласини барвақт ва сифатли ўтказиш экишнинг кечикиб кетганлиги туфайли йўқолган вақтнинг ўрнини қоплаш ва ғўза ривожидаги қолоқликни тугатиш имконини беради.

Дала ишларини бажаришда бригадамизнинг ҳар бир аъзоси баббаравар тер тўкиб меҳнат қилмоқда. А. Ўрозбоев, Б. Бойжигитова, Қ. Холмирзаева каби колхозчиларимиз бунга мисол бўла олади. Улар яганалашда айниқса ғайрат кўрсатдилар.

Шундай қилиб, бригадамизда ғўзанинг биринчи парвариши тугалланай деб қолди. Биз бутун куч ва ғайратимизни сафарбар қилиб, барча майдонда зиммага олган мажбуриятимизни бажаришни таъминлайдиган ҳосил етиштириш учун курашмоқдамиз. Ўзбекистон республикаси ва республика Компартияси 40 йиллик юбилейи шарафига ўзаро социалистик мусобақани кундан-кунга авж олдираётган пахтакорларимиз албатта ўз сўзларининг устидан чиқадилар.

М. ҚОЛДИБЕКОВ,
Юқори Чирчиқ. Свердлов номли колхознинг бригада бошлиғи.

ПАРВАРИШ НАМУНАЛИ ЎТМОҚДА

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Собир Раҳимов номли колхоз аъзолари етти йилликнинг олтинчи йилида давлатга 11.535 тонна сабзавот маҳсулоти етказиб беришни планлаштиришган. Эрта баҳорда экилган 102 гектар картошка, 60 гектар пиёз, 11 гектар сабзи, 3 гектар лавлаги, 7 гектар бодринг, 22 гектар карам, 42 гектар помидор яхши ўсмоқда.

Коммунист ўртоқ Мирҳамдам Миргиёсов бошлиқ бригада аъзолари республикамизнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Улар қозирга қадар 6 гектар помидор, 250 гектар карамни иккинчи ишловдан чиқардилар. 11 гектар картошка барқ уриб ўсаяпти. 6 гектар пиёз, 1 гектар сабзи икки марта ўтоқдан чиқди. Бригада бўйича 2.857 тонна сабзавот маҳсулоти етиштириш учун астойдил кураш олиб борилмоқда.

Бригаданинг Рустам Қорабоев, Ҳусан Раҳмонов, Муҳаббат Орипова, Нурхон Аҳмедова каби меҳнатсевар сабзаводчилари кунлик нормани доимо ошиғи билан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Шунингдек, ўртоқ Қурбон Маъмуров бошчилик қилаётган 9-бригадада ҳам эртаги картошканинг ҳар гектаридан 14 тонна, полиз экинларининг гектаридан 27 тоннадан, сабзавотнинг гектаридан 19 тоннадан ҳосил олиш учун курашилмоқда.

Т. ЖЎРАЕВ.

ЕРНИНГ ЗАХРИНИ ЮВИНГ

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Мўл ҳосил етиштиришда ҳар соати, ҳар минути ғанимат кунлар ўтиб бораяпти. Пахтакорларимиз баҳорда ёнгинагарчилик кўп бўлиб чигит экишнинг чўзилиб кетганлигини ҳисобга олиб ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш, барча майдонларда кўчатларни ўз вақтида ортиқчаларидан ўтказиб, оптимал миқдорда қолдириш, ғўзани ўсишга ва ривожланишга тўсқинлик қилаётган бегона ўтларга қарши қаттиқ курашиш, ғўзанинг соғлом, нормал ривожланишини таъминлаш учун ҳозирги кунда яна нималарга эътибор бериш керак. Тажрибакорлар бу саволга «суғоришни сунъий равишда кечиктириб юбормаслик керак, ҳозирги сув ернинг захрини ювади» деб жавоб берадилар. Тўғри, ёнгинагарчилик хаддан ташқари кўп бўлганлиги натижасида ерда нам етарли тўпланди. Кўпгина майдонларда чигитни ернинг намига ундириб олиш мумкин бўлди. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, устма-уст ёққан ёмғир ернинг устки қатламини бериб кетган, ғўзанинг соғлом, нормал ривожланишини таъминлаш учун ҳозирги кунда яна нималарга эътибор бериш керак. Шу кунларда оқим сув билан суғориш тупроқдаги аччиқ захни пастга тушириб юборади. Халқоп бўлиб қолган ва аччиган ёмғир сувларини йўқотади. Ёш ғўза тоза тупроқда дарҳол оқ томирини қадаб тез амал олабошлайди.

Ҳамма ерда ишни илғор тажрибакорларнинг маслаҳатлари асосида ташкил этиб, ғўзани суғоришни тўғри йўлга қўйиш ҳозирги кунининг муҳим вазифасидир.

ТОШКЕНТЛИК ПАХТАКОРЛАР ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОНДА

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлигини текшириш учун Тошкент область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси 21 майда Жанубий Қозоғистонга жўнаб кетди. Тошкент қишлоқ область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов бригадага бошчилик қилмоқда.

Тошкент областининг пахтакорлари Чимкент областидаги колхоз ва совхозларнинг далаларида бўладилар. (ЎзТАГ).

ИСКАНДАРИЯДА ҚИЗҒИН КУТИБ ОЛИШ

ИСКАНДАРИЯ, 21 май. ТАСС махсус мухбири **Ф. Носов** хабар беради: Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчевни Бирлашган Араб Республикасининг халқи қизғин ва тантана билан кутиб олди. Бунинг сабаби маълум, чунки Бирлашган Араб Республикаси халқига совет халқи ва унинг ҳукуматидек шу қадар кенг кўламдаги ёрдамни ҳеч ким кўрсатмаган эди. Бирлашган Араб Республикасининг халқи улуғвор иншоот — баланд Асвон тўғони қурилишида ва Бирлашган Араб Республикасидаги ошқа объектлар қурилишида Совет Иттифоқи кўрсатган ёрдамни ғоят қадрламоқда.

Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Араб Республикасига визити программаси ниҳоятда тиғиздир. Бироқ, яна минг-минглаб кишилар Совет Иттифоқидан келган азиз меҳмон билан учрашишни ва уни табриклашни истар эдилар. Шу сабабли визит программасини йўл-йўлакай ўзгартиришга тўғри келмоқда.

Никита Сергеевич парламент аъзоларининг делегациялари билан, расмий кишилар ва оддий кишилар билан учрашмоқ учун барибир вақт топмоқда. Бугун неча ўн минглаб кишилар Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси давлат байроқлари, гулдасталар, транспарантлар ва байроқчаларни кўтариб, Н. С. Хрушчевни ва Бирлашган Араб Республикаси президенти Носирни табриклаш учун Қоҳирадан Искандарияга келаётган махсус поезд йўли бўйлаб темир йўл станцияларига чиқдилар.

Эрталаб соат 10 дан 30 минут ўтди. Махсус поезд Ғарбия муҳофазасининг пойтахти Танта шаҳрида уч минут тўхтайди. Кишилар тўлқини ҳамма ёқни босиб кетган, улар вокзал перронида, уйларнинг томларида ва балконларида турибдилар. Ҳурматли меҳмонларга катта атир гул дасталарини тақдим қиладилар ва чиройли гуллардан ясалган гул шодаларини уларнинг бўйнига киягизадилар. Н. С. Хрушчев ва президент Носир турган очиқ вагон томон юзларча қўллар чўзилади. Никита Сергеевич қўл чўзган кишилар билан қаттиқ қўл қисишиб кўришади, яқин келолмаган кишиларни қўл силкиб табриклайди.

Ғарбия губернатори Фарид Салом меҳмонларни муҳофаза аҳолиси номидан табриклайди. Атрофда қувончли ҳитоблар янграйди: «Яшасин Хрушчев!» Яшасин Носир!». Н. С. Хрушчевга, Носирга ва уларнинг ҳамроҳларига едгорлик совғалари тақдим қиладилар.

Қалобия ва Байҳайра муҳофаза заларининг марказлари — Бенҳо ва Даманҳур шаҳарларида Совет Иттифоқидан келган ҳурматли меҳмонни худди ўшандай бутун халқ кутиб олди.

...Бирлашган Араб Республикасининг энг йирик саноат, савдо ва порт шаҳри Искандарияга етиб келинди. Шаҳар байрам либосини кийган ва мингларча байроқлар, ўнларча зафар арклари, гуллар, транспарантлар билан безатилган. Транспарантларга араб халқларининг энг яхши дўсти, бутун дунёда халқлар тинчлиги ва бахт-саодати учун атоқли курашчи Н. С. Хрушчев шарафига шиорлар ёзилган.

Искандария вокзалининг перронида меҳмонларни Искандария губернатори Муҳаммад Ҳамид Ашур, муниципалитет аъзолари, ҳарбий денгиз қўмондонлигининг вакиллари, СССР бош консулхонасининг ва бошқа совет муассасаларининг ходимлари кутиб олдилар. Болалар Н. С. Хрушчевга, Н. П. Хрушчевага, президент Носирга ва унинг рафиқасига атир гулдан ясалган қатта гулдасталар тақдим қиладилар. Меҳмонлар «Ўрал» садолари остида автомашиналар томон йўл оладилар. Машиналар шаҳар кўчалари бўйлаб Н. С. Хрушчевнинг Искандариядаги резиденцияси—Расаттин саройи томон секин-аста юриб келади. Сарой пештоқида Совет Иттифоқининг давлат байроғи ҳилпираб турибди.

Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари «Армения» теплоходида Бирлашган Араб Республикасига келган дастлабки кун — 9 майда бўлганидек Искандария кўчалари яна юз мингларча аҳоли билан лиқ тўлган эди. Аҳоли дўстона совет халқининг вакилига ўз меҳр туйғуларини изҳор қилиш учун кўчаларга чиққан эди.

ПАРТИЯ ХIII СЪЕЗДИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

ШОНЛИ САҲИФА

Бундан қирқ йил муқаддам — 1924 йил 23 майдан 31 майгача ўз ишини давом эттирган партия XIII съезди Ленин партияси тарихининг шонли саҳифаларидан бири ҳисобланади. Съезд жаҳон пролетариатининг улуғ доҳиси В. И. Ленин вафот этганидан кейин чақирилган биринчи форум бўлиб, партия сафларини Ленин байроғи остига янада жипслашганлигини намойиш қилди.

Съезд кун тартибида Марказий Комитет ва Марказий Контроль Комиссиясининг ҳисоботлари, савдо тўғрисида, кооперация тўғрисида, қишлоқда ишлаш тўғрисида, партиявий-ташкилий масалалар ҳақидаги ва бошқа масалалар турар эди.

Съезд янги иқтисодий сиёсатни қайтадан кўриб чиқиш учун ҳеч қандай асос йўқлигини алоҳида уқдириб, партиянинг навбатдаги вазифаси — Улуғ Ленин ишлаб чиққан янги иқтисодий сиёсат заминида ҳўжаликда социалистик элементларни тобора кўпайтириб бориш соҳасида тинмай иш олиб боришдан иборат эканлигини кўрсатиб берди. Съезд кўмир саноатини тиклаш ва транспорт ишида қўлга киритилган ютуқларга таянган ҳолда мамлакатда ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун курашни кучайтириб юборишни тўғрисида тегишли директива берди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида партия олдида турган вазифа — қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш ишини кучайтиришдан иборат эканлигини кўрсатди. Съезд бундан ташқари савдо соҳасида, ёшлар ўртасида иш олиб бориш ва партиявий-ташкилий ишлар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилди. Съезднинг барча қарорлари мамлакатимизда социалистик қурилишни кенгайтиришга пролетариат диктатураси мустаҳкамлигининг асоси бўлмиш ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлашга ва партиянинг раҳбарлик ролини кучайтиришга қаратилган эди.

Съезднинг бутун ишида В. И. Ленининг ўзига хос улуғворлиги, келажакни олдиндан кўра билишдек ажойиб хусусияти, партиянинг бирлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрлиги сезилиб турди. Бу В. И. Ленининг «Съездга хат»ида ёрқин ифодасини топди. Бу ҳужжат В. И. Ленин томонидан партияга, унинг Марказий Комитетига қолдирилган васият эди. В. И. Ленин қолдирган ана шу васиятда партия бирлигини кўз қорачиғидек сақлаш, партияни ажралиб кетишдан сақлаб қола оладиган мустаҳкам Марказий Комитет тузиш зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтилган эди. В. И. Ленин, аввало, Марказий Комитет азоларининг сонини кўпайтиришни таклиф этган эди.

В. И. Ленин ўз хатида Марказий Комитетнинг айрим аъзоларига, чунончи Троцкий, Зиновьев ва Бухаринга характеристика бериб, Зиновьев билан Каменевнинг «Октябрдаги эпизоди» тасодифий эмаслигини кўрсатиб, Троцкийнинг большевизмга бутунлай тескари тутган йўлини, унинг туб моҳиятини очиб ташлаб, партияни огоҳлантирган эди.

Хатда В. И. Ленин Марказий Комитетнинг бош секретари И. В. Сталинга ҳам характеристика берган эди. Сталиннинг бир қатор ютуқ томонларини кўрсатиш билан бирга унинг камчиликлари ҳам танқид қилинган эди. В. И. Ленин бу тўғрида шундай деган эди: «Ўртоқ Сталин бош секретарь бўлгач, жуда катта ҳокимиятни ўз қўлида тўплаб олди ва мен унинг ана шу ҳокимиятдан ҳамиша етарли даражада эҳтиётлик билан фойдалана олишига ишончим комил эмас... Сталинни бу ўриндан бошқа ишга кўчириш ва бу ўринга бошқа бир кишини тайинлаш усулини ўйлаб кўришни таклиф қиламан, токи бу киши бошқа ҳамма жиҳатлардан ўртоқ Сталиндан фақат бир устунлиги билан, яъни кўпроқ чидамлиги, кўпроқ холисона иш кўриши, ўртоқларга кўпроқ ҳушмуомала ва кўпроқ эътибор берадиган бўлиши, камроқ инжиқ бўлиши ва шу кабилар билан фарқ қиладиган бўлсин. Бу ҳолат жуда майда нарса бўлиб кўриниши мумкин», лекин «бу майда нарса эмас, ёки бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган майда нарсадир». (Асарлар, 36 том, 621, 622—623-бетлар).

Съезддаги делегациялар доҳийнинг хатини муҳокама қилиб Сталиннинг хизматларини, айниқса унинг троцкизм ва бошқа антипартиявий группаларга қарши муросасиз кураш олиб борганлигини назарга олиб, уни юксак лавозимда қолдиришни маслаҳат кўрдилар ва шу билан биргаликда, Сталин В. И. Ленин томонидан қилинган танқидни эътиборга олиб, ундан ўзига тегишли ва зарур хулосалар чиқариб олиши шартлигини алоҳида айтиб ўтдилар.

И. В. Сталинга улуғ доҳий В. И. Ленин томонидан берилган баҳо нақадар тўғри эканлигининг, Сталиннинг камчиликлари қандай оғир оқибатларга олиб келганлигининг жонли шоҳидларимиз бизлар. КПСС партия ва давлат турмушининг ленинча принципларини тўла равишда тиклаш, социалистик демократия принципларини тиклаш ва ривожлантириш соҳасида қатор амалий тадбирларни кўрди. Бу соҳада КПСС XX съездининг иши жуда ҳам катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Партиямиз XIII съездининг тарихий аҳамияти яна шундан иборатки, унда троцкийчилар оппозицияси платформасининг туб моҳияти очиб ташланди ва унга яна бир бор қақшатғич зарба берилди.

Партия XIII съезди партиянинг Бутуниттифоқ XIII конференциясининг «Партия қурилиши тўғрисида» ҳамда «Дискуссия якунлари тўғрисида ва партиядаги майда буржуа оғмачилиги ҳақида» деган қарорларини тасдиқлаб ва уларни съезд қарорларига қўшиб қўйишга қарор қилиб, партиямизнинг троцкийчилар оппозицияси устидан қозонган ғалабасини мустаҳкамлади.

Партиямизнинг троцкизмга қарши олиб борган кескин кураши бизнинг мамлакатимизда социализм тақдири учун ва бинобарин жаҳон социалистик революцияси тақдири учун ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлди. Партиямизнинг ана шу майда буржуа оғмачилигига қарши олиб борган кескин курашининг тарихий тажрибаси ҳозирда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки Хитой Компартиясининг бошлиқлари ленинизм аллақачонлар пачақлаб, тарихнинг ахлат яшигига улоқтириб ташлаган троцкийчи майда буржуа оқими идеяларига амал қилган ҳолда иш кўрмоқдалар. «Хитой раҳбарлари, — деган эди ўртоқ М. А. Суслов КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил февраль Пленумида, — ...ўзларининг кўпгина идеяларини ва концепцияларини троцкизмнинг ғоявий багажидан олмоқдалар, худди шунингдек улар марксчи-ленинчи партияларга қарши курашишнинг фракциячилик, бузғунчилик методларини ҳам троцкизмдан мерос қилиб олдилар».

Троцкизм очиқдан-очиқ кўриниб турган майда буржуа оғмачилиги эканлигини В. И. Ленин равшан кўрсатиб берган эди. Троцкизм большевизмдан ҳам кўра «сўлроқ», янада «революционроқ» оқимmиз, деган сохта байроқ остида майдонга чиқди. Троцкий ва унинг маслакдошлари ўзларини жаҳон революцияси учун бирдан-бир курашчи қилиб кўрсатиб, амалда улар ленинизмга қарши курашдилар. Большевистик партиявийликни инкор этиш, партия сафларининг жипслигини инкор этиш, фракциячилик, коминтерн ичида бўлган фракциячи гуруҳлар билан апоқ-чапоқ бўлишлик, компартияга ҳеч қачон мансуб бўлмаган гуруҳлар, ташкилотлар ва айрим шахслар билан апоқ-чапоқ бўлишлик ва компартия сафларидан ҳайдалган душманлар ва хоинлар билан тил бириктириб Компартияга қарши ва халқаро коммунистик ҳаракатга қарши курашиш троцкизмнинг асосий мазмуни эди. Хитой Компартияси раҳбарлари ҳам ҳозирги вақтда худди ана шундай йўл тутмоқдалар-ки, уларнинг бундай бузғунчилик ишлари ҳамманинг ғазабини келтирмоқда.

Маълумки, бундай йўл бизнинг партиямиз томонидангина эмас, шунингдек коммунистик интернационал томонидан ҳам қораланган эди. 1924 йилнинг июнь-июлида бўлиб ўтган коминтернинг V конгресси партиямизда Троцкий бошлаган дискуссия масаласини муҳокама қилди ва троцкизмни қоралади. Конгресс РКП(б) XIII конференциясига ва XIII съезднинг троцкизмни партиядаги майда буржуа оғмачилиги деб таърифлаган қарорларини тасдиқлади ва троцкийчилар хатти-ҳаракатлари партия бирлигини ва бинобарин, СССР даги пролетариат диктатурасини хавф остида қолдиради, деб топди. Шўбҳа йўққи, бундан қирқ йил илгари шармандаси чиққан троцкизмга қанчалик кучли зарба берилган бўлса, ҳозирги кучли ва қудратли жаҳон коммунистик ҳаракати ҳам троцкизм позициясида туриб иш кўраётган Хитой Компартияси раҳбарларини ҳам фош этиб, бу ғоявий курашда голиб чиқади.

Партия Марказий Комитети XIII съезд қарорларини амалга ошириш учун кураша бориб ленинча сиёсатни оғишмай амалга оширди, капиталистик элементларга қарши олиб борилган кескин синфий курашларга бошчилик қилиб, янги иқтисодий сиёсат даврида ғоят катта ютуқларга эришди. Совет халқи партия раҳбарлигида халқ хўжалигини жуда қисқа муддатда тиклаш вазифасини ҳал этишга муваффақ бўлди ва социалистик қурилишнинг янги босқичига ўтиш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

С. ОРИПОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институти КПСС тарихи кафедрасининг старший ўқитувчиси.

ГАЗЕТА ИШИ БЮРО МУҲОКАМАСИДА

ЯНГИЙЎЛ. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Яқинда бошқарма партия комитетининг бюроси «Янгийўл» газетаси ишини муҳокама қилди.

Муҳокамада сўзга чиққан ўртоқлар бошқарма газетаси район механизаторларининг диққат-эътиборини қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга қаратаётганлигини, илғорлар тажрибасига бағишлаб саҳифалар уюштираётганлигини, ниҳоят унинг саҳифаларида колхоз раислари, механизаторлар, бригада бошлиқлари ва оддий колхозчиларнинг пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш йўлидаги курашини кўрсатувчи мазмундор лавҳалар, мақолалар кўплаб босилаётганини қайд этиб ўтишди.

Шунингдек, муҳокамада, газета ишида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳақида ҳам фикрлар бўлди. Редакция дала ишларини атрофлича ёритишда қишлоқ мухбирлари кучидан етарли фойдаланмаяпти. Ўзга партияларнинг қандай аҳволда эканлигини кўрсатувчи рейдлар газета саҳифасида ахён-ахёнда пайдо бўлади. Жойлардаги мухбирлар постларининг иши жонлантириб юборилмаган, газетхонлар конференциясини ўтказиб туриш йўлга қўйилмаган. Газета саҳифаларида социалистик қишлоқларимизнинг бугунги қиёфаси ўз аксини топмаяпти. Жойларда йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинмаяпти.

Бошқарма партия комитетининг бюроси газета редакциясининг ишини янада яхшилаш, йўл қўйилган камчиликларни тезда тугатиш юзасидан зарур тадбирлар белгилади.

ХИМИЯ МЎЪЖИЗАЛАРИ

ҚИПИҚДАН ДЕТАЛЬ

Пармалаш станоги учун қипиқдан деталь ясаш мумкин экан. Қандай қилиб дейсиз, ҳеч шубҳасиз.

Бу ажойиб қипиқнинг сири қаерда? Сири йўқ. У махсус фенол-формальдегид смоласига бўктирилади. Натижада қипиқ металлдан ҳам мустаҳкам бўлган ёғочсимон пластикага айланади. Уфа фанер-уйсозлик комбинатида бундай пластика ишлаб чиқариш технологияси пухта ўзлаштирилган. Деталлар ишлаб чиқаришда бу янги материалдан кенг фойдаланиш йил давомида тўрт минг тоннадан ортиқ қора ва рангли металлни тежаб қолиш имконини беради.

Старлитамакск станоксозлик заводида ҳозир 20 хилдан ортиқ деталь қипиқдан ясалаяпти.

ПОЛИЭТИЛЕН ГАЗЛАМА

Полиэтилендан тайёрланмайдиган буюмлар энди ликда жуда ҳам кам қолаётир. Ҳозир улар ёнига яна бир маҳсулот хили қўшилди: Москва тўқимачилик институти олимлари паст босим ёрдамида олинган полиэтилендан синтетик ипак толаси олиш мумкинлигини исботладилар. Кўримлилиги ва чидамлилиги оддий ипакникидан яхши ва мустаҳкам. Янги хил толадан декоратив газмоллар билан бир қаторда фильтр, электр симларини изоляция қилишда балиқчилик саноатида муҳими материал сифатида ҳам фойдаланилади.

КАПРОНДАН ПОДШИПНИК

Липецк трактор заводида ишлаб чиқарилаётган подшипниклар одатдагига ўхшамайди. Улар капрондан ясалган. Синовлар шуни кўрсатдики, капрондан ясалган подшипниклар ҳар томонлама афзал. Улар тежамли, арзон бўлиши билан бирга мойлаб туришни ҳам талаб қилмайди.

Тракторсозлар учун синтетик янгилик фақатгина шу эмас. Сўнгги вақтларда завод коллективи пластмассадан ясалган миллионта турли хил деталь ишлаб чиқарди. Синтетик материаллар ҳозир тракторлар оғирлигини 30 килограммга енгиллаштирмоқда.

УНИКАЛЬ КОЛЛЕКТОР

Рига электр машинасозлиги заводи цехларида пластмассадан ажойиб уникаль коллектор ясалди. У Тбилиси заводида тайёрланаётган электропоездларнинг тортиш двигателлари учун мўлжалланган.

Коллектор ҳозир синовдан ўтаяпти. Олимларнинг ҳисобига қараганда коллекторларни пластмассадан тайёрлаш натижасида кўплаб қимматбаҳо рангли металли тежаб қолиш мумкин.



Тошкент электротехника заводи 2-штамплаш цехи партия ташкилотининг секретари Ф. Хисомиддинована таннаффус пайтларида одатда ишчилар орасида кўрасиз. У ҳамкасбларини халқаро ва ички аҳволга доир янгиликлар билан таништириб туради, турли темаларда қизиқарли суҳбатлар ўтказади. Фотомухбир М. Комлев олган ушбу суратда сиз ўртоқ Ф. Хисомиддинова цех ишчилари билан навбатдаги суҳбат ўтказаётган пайтини кўриб турибсиз.

СИНТЕТИК МАТЕРИАЛЛАР

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида янгидан-янги синтетик материаллар ва химиявий моддалар ишлаб чиқариш кўплаб жорий этилмоқда.

Фабрика бош инженери, химия мутахассиси ўртоқ Л. Табачников барча цехларнинг иш фаолияти билан бирма-бир таништирар экан, ишлаб чиқаришга яқинда жорий қилинган янги синтетик материалларни кўрсатди. 4-цехда оёқ кийимининг остига қўйиладиган тагчарм ўрнига ҳозир синтетик поролон материали ишлатилмоқда. Бу, биринчидан пойафзал учун ишлатиладиган материални иқтисод қилса, иккинчидан оёқ кийими таги юмшоқ бўлади. Чунки поролон юмшоқ ва жуда чидамли материал ҳисобланади. Бу материал Тошкентдаги фабрикадан ичида биринчи марта қўлланилмоқда.

Бундан ташқари 7-цехда гуманорли смола ёрдамида тез ёпишадиган наилит елими қўлланиладиган бўлди. Бу елим иш вақтини анча тежайди.

Фабрикада химия махсули бўлган 42 хил синтетик материал ишлатилади. Корхонада яқинда химия цехи ишлай бошлади. Унда ўртоқ Л. Табачников бошлиқ бир группа химик мутахассислар мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида қўлланилаётган янги, сифатли елим хилларини тайёрлаб бермоқдалар.

Бу ишлаб чиқаришни юксалтиришга ёрдам бераяпти. Корхона меҳнат аҳли 4 ойлик планни ошириб бажарди.

Т. АШУРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.



Пўлат из чавандозлари А. Шомансуров ва С. Мирошин ўртоқлар ишидан ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмаси коллективи ғоят ҳурсанд. Бу икки азамат бошқараётган тепловоз тиним билмайди. Комму низм юкларини узоқ-узоқ манзилларга вақтида элтиб бераяпти. Суратда: машинист А. Шомансуров (чапда) ва унинг ёр дамчиси С. Мирошин ўртоқлар навбатдаги рейсга чиқиш олдидан ўзаро суҳбатлашмоқдалар.
М. Нуриддинов фотоси.

РЕСПУБЛИКА ВА ЎЗБЕКИСТОН КП 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ ҚИШЛОҒИМИЗГА

ҒАМХЎРЛИК

Қишлоқ Советига кекса колхозчи Хосият хола Каримовадан ариза тушди. Ариза билан қишлоқ Совети раиси Шарифа Аҳмедованинг ўзи шуғулланмоқчи бўлди. Орадан уч кун ўтгач, у Хосият холанинг уйига кириб борди. Уй дарҳақиқат ремонт талаб.

— Уйингизни кўчгилдагидек ремонт қилиб берамиз. Ташвишланманг, онажон, — деди очиқ чеҳра билан Аҳмедова.

Сал кундан кейин, хашар йўли билан, колхоз усталари Хосият холанинг уйини ремонт қилиб беришди.

— Қишлоқ Совети меҳнаткашларнинг талабларини атрофлича ўрганиб, уларни жавобсиз қолдирмасликка ҳаракат қилади, — дейди ўртоқ Аҳмедова. — Қишлоққа қатнайдиган автобус хизмати ёмонлашиб қолган эди. Колхозчилар бу ҳақда қишлоқ Советига мурожаат қилишди. Бу ҳақли талабни қондириш ниятида тегишли ташкилотлар билан жиддий гаплашдик қишлоқда автобус кормал қатнаяпти. Колхозчиларимиз жуда мамнун.

Раиса ҳақ гапларни айтди. Қишлоқ Советида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига яхши муносабатда бўлишади. Қишлоқ Советига ариза билан мурожаат қилган кишига имконият борича ёрдам берилади. Ўтган йили тушган 60 дан зиёд ариза ва шикоят ўз вақтида кўриб чиқилди ва аҳоли талаби қондирилди.

ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИДА

Кечки пайт эди. Район Советининг депутати Маҳбуба Абдуллаева қишлоқ Совети раиси ҳузурига кириб:

— Қишлоқ территориясида битта дорихона қурсак, аҳолига қулай бўлармиди, деган фикрдаман, — деди.

Раиса унинг фикрини қувватлади. Икки депутат қишлоқни ободонлаштириш ҳақида узоқ суҳбатлашишди...

Қишлоқ Совети территориясида дорихона қуриш ҳақидаги таклиф колхоз правлениесига ҳам маъқул тушди. Правление дорихона учун маблағ ажратди. Колхоз усталарининг кўмаги, жамоатчиликнинг ёрдами билан дорихона биноси қурилди.

Шунингдек, аҳолига медицина хизмати кўрсатишда қишлоқ Совети ҳузуридаги соғлиқни сақлаш доимий комиссияси ҳам кўпгина ишларни амалга оширди. Ҳозир аҳоли бу ерда мунтазам ишлаётган 35 ўринли касалхона билан туғруқхона хизматидан жуда мамнун.

«ҲАСАНБОЙ»НИНГ ЧИРОЙИ

Қишлоқ Советида 6 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиляпти. Қишлоқнинг қиёфаси эса йилдан-йилга ўзгариб, чиройли очилиб бормоқда. Бу ерда бўлаётган ўзгаришларда қишлоқ Советининг йўл қурилиши ва ободончилик доимий комиссияси (раиси Қ. Имомов)нинг иши ҳам мақтовга арзийди. Қишлоққа келган киши бу ерда қад кўтараётган уйларни кўриб қувонади. Кейинги уч йил ичида қишлоқда 400 га яқин ҳовли тўйлари бўлиб ўтди. Кўпчилик колхозчилар янги уйларга кўчиб киришди.

Қишлоқ Совети территориясида Шредер номидаги меванчилик ва боғдорчилик институтининг бир бўлими жойлашган. Унда 500 дан ортиқ аҳоли истиқомат қиляпти. Қишлоқ Советининг депутатлари бу ердаги ободончилик ишларида ташаббускор бўлишяпти. Улар ўтган йили 32 гектар ерда токзор, 20 гектарга яқин ерда янги боғ барпо этишди. Бу ҳам қишлоқнинг бир чиройлига ўн чирой қўшиб юборди. Бу соҳада Н. Зеленская, О. Аҳмадбеков сингари депутатларнинг хизмати катта.

Қишлоқдаги ўнга яқин озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари ҳам аҳолига яхши хизмат кўрсатаяпти. Битта ўн бир йиллик, иккита саккиз йиллик мактабда меҳнаткашларнинг юзлаб болалари таълим олмоқда.

Хуллас, бугунги қишлоқларимизнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб боряпти. Хасанбой қишлоғига бир келинг-а, бунинг мисолида республикамиз қишлоқларининг нақадар ўзгариб кетганлигига ўзингиз тўла ишонч ҳосил қиласиз!

Ҳа, социалистик қишлоқларимизда ҳаёт қайнамоқда. Қалби олов қишлоқ кишилари республикамиз ва Ўзбекистон Компартияси 40 йиллигини тўйи арафасида коммунистик мўл-кўлчилик яратишга катта ҳисса қўшиш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.

Хасанбой қишлоқ Советида амалга оширилаётган намунали ишлардан колхозчилар маммун бўлишяпти. Улар айниқса, қишлоқ Советининг жонқуяр раиси коммунист Шарифа Аҳмедовадан миннатдордирлар.

Е. СОЛИХОВ
И. ҲАМИДОВ
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбирлари.

КАРЬЕРДАГИ ҲАНГОМАЛАР

Бино қад кўтарди. Ҳамшаҳарлар шинам квартираларга кўчиб киришди. Ҳамма ҳурсанд, бахтиёр. Қараб завқинг келади, уларга. Шу дамларда дилларга шодлик бахш этган биноқорлар шаънига мадҳиялар ўқиган киши. Лекин айрим пайтларда бу шодлик узоққа чўзилмайди. Биринчи ёмғирдаёқ бино пойдевори шўралай бошлайди, қум сувоқлари кўча бошлайди, ёрилади. Киши дили қоронғилашиб, қўғувчилардан хафа бўласан. Лекин унда қум, шағал каби қурилиш материаллари етказиб бераётган ташкилотларнинг ҳам айби бор.

Тўғри эътироз, ҳақли талаб. Сув бошидан лойқамасин. Лойқадими, уни тиндиришга ҳар вақт ҳам имкон бўлавермайди. Биноқорлар — бетончилар, сувоқчилар Чиноз карьери ишидан норози бўлиб гапиришади. Иш бошидан пишиқ бўлмаса охири ҳам вой бўлади, дейишади улар. Шағалларни вақтида ололмаймиз, олсак ҳам пойдевор қўйишга ярамайди. Қум эса сертупроқ бўлади.

Бу гапда жон бор экан. Тошкент саноат область партия-давлат комитети чуқур текширишдан ўтказди. Мана энди барча камчиликлар юзага чиқди-қўйди. Иллатлар бири очилди, бири очилмоқда. Карьер ўтган йили биноқорлар эҳтиёжини қондира олмади. План тўқсон процент атрофида қолиб кетди. Қурилишларга эммагидан 159,1 минг кубометр кам шағал етказиб берилди. Оқсаш бу йил ҳам давом этмоқда. Етти йиллик олтинчи йилининг дастлабки квартал плани бажарилмади. 34,6 минг кубометр қум, 26,2 минг кубометр шағал кам тайёрланди.

Тўрт ой ичида-чи? Карьер ҳолати бундан ҳам ачинарли. Силжиш кўринмади. 47 минг сўмлик кам маҳсулот берилди. Топширилган маҳсулот таннархи ҳам 11 минг сўмга ошди. Меҳнат унумдорлиги бўйича белгиланган план 94 процентда қолиб кетди.

Карьернинг саралаш участкасидан чиққан машина 200—300 метр наридаги отвалга етгач, юкни ағдаради-да яна орқасига қайтади. Иккинчи транспорт энди юкни отвалдан поезд йўлигача етказиб бериши керак. Ковши 1 кубометр ҳажмли экскаватор тушаётган қум ва шағални пешма-пеш машиналарга ортишга ҳеч улгуролмайди. Натижада машиналар 2—3 соатлаб навбат кутиб қолади. Шоферлар ҳам хафа. Қўл қовуштириб ўтиришга кимнинг тоқати бор, дейсиз. Вақтнинг кетганикетган, маҳсулот таннархининг ошаётганлигини айтмайсизми. Ҳозир тайёрланаётган шағалнинг ҳар бир кубометри 44 тийин қимматга тушяпти.

Карьер участкаларига бир назар ташланг. Бульдозерлар, скреперлар ҳар жой-ҳар жойда бузилиб ётибди. Запас қисмлар йўқ дейсизми? Бор. Бўлганда ҳам нормадагидан 11 минг сўмлик кўп запас қисмлари бор. Улар омборларда ётибди. Фойдаланиш карьер раҳбарларининг фикрига ҳам келмайди, чамаси. Ўша бузуқ механизмлар ҳам ишга тушса қурилишлар қўшимча минглаб кубометр қўшимча шағал ва қум олишга мувaффақ бўлишарди.

Ҳам салмоқли, ҳам сифатли маҳсулот керак бизга. Область партия давлат контроли комитети аъзолари карьер ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатини ҳам ўздан кечиришди. Бу соҳа ҳам ишқал. Карьер лабораторияси керакли асбобларга эга эмас. Бу ерда фақат тарози-ю, элак бор, холос. Сортлар таркиби вақтида текшириб борилмайди. Малакали ходимлар кам. Мана сиёаб кўрилган материалларни қайд қилиш журнали. 8 январдан 27 февралгача унинг саҳифаларига қўл ҳам тегизилмаган. Ҳеч қандай синов ўтказилмаган.

Айрим ҳолларда карьер раҳбарлари ишимизнинг олға силжимаслиги, транспорт хўжаликлари ҳам айб, дордирлар, улар бизни вақтида машиналар, вагонлар билан таъминламайдилар деб даъво қилишади. Бу даъвонинг асоссизлигини фактларнинг ўзи исботлаяпти. Ўтган йилнинг фақат олти ойи ичида юборилган вагонларнинг 1274 таси бўш турди. Планга қўшимча равишда яна 1038 та вагон карьер ихтиёрига берилди. Улардан ҳам атиги 33 таси фойдаланилди, холос. Қолганлари беш савлат тўкиб тураверди. Турган вагонлар учун карьер минглаб сўм штраф тўлади.

Партия-давлат контроли комитети аъзолари томонидан яна бир қанча камчиликлар очиб ташланди. Комитет карьер раҳбарлари А. Н. Тихонов ва В. С. Семенов ўртоқларни қаттиқ огоҳлантирди. Улар зиммасига тезда камчиликларга барҳам бериш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш ва давлат планини бажариш, сифатли маҳсулот бериш устида ғамхўрлик қилиш вазифасини юклади.

Ж. НОСИРОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАШРИЁТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«АЗИЗОВНИНГ ОРДЕРЛАРИ»

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 19 январь сонида юқоридаги сарлавҳа билан фельетон босилган эди. Фельетон юзасидан тузилган комиссиянинг текшириш натижалари Тошкент саноат область партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди.

Область партия комитетининг бюроси шу нарсани таъкидлаб ўтдики, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида уй-жой фондини тақсимлаш ва ходимларни турар-жой билан таъминлаш соҳасида жиддий камчиликлар бор. Академия раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари бу муҳим ишга юзаки қараганлар. Партия-давлат контроли комитетига кўмаклашувчи группа 1963 йил июль ойида уй-жойларни тақсимлаш соҳасидаги бир мунча жиддий камчиликларни очиб ташлаган, лекин партия ва касаба союз ташкилотлари бунга ҳам эътибор бермаганлар. Академия ҳузурида ташкил этилган комиссия янги қурилган уй-жойларни тақсимлаш билангина шуғулланиб, ходимлардан бўшаган турар-жойларни контрол остига олмаган. Шунинг натижасида бўшаган уйларнинг 19 таси партия ва касаба союз ташкилотларининг муҳокамасисиз ва қарорисиз, академия президентининг ўринбосари С. Азизовнинг шахсий тавсияси билан кишиларга бериб юборилган. Академия нашриётининг ходими Н. Қорабоевага ҳам шахсан С. Азизовнинг ўзи уй берган. Ваҳоланки, Н. Қорабоева уй-жойга муҳтож эмас эди.

Область партия комитетининг бюроси С. Азизовга уй-жойларни тақсимлашдаги мавжуд қоидаларни бузганлигини кўрсатди ва агарда у бундан кейин ана шундай камчиликларга йўл қўядиган ва қонун-қоидаларни бузадиган бўлса қаттиқроқ жазоланиши ҳақида огоҳлантирилди.

Фанлар академияси президиумининг бош илмий секретари ўртоқ Ҳамидхоновнинг академия президиуми уй-жойларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги камчиликларни тугатиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланганлиги ҳақидаги ахбороти эътиборга олинди.


Академия партия ташкилоти партия-давлат контроли комитетига кўмаклашувчи группа материалларини ўз вақтида кўрмаганлиги кўрсатилди ва партия ташкилотининг эътибори уй-жойларни тақсимлашдаги жиддий камчиликларни тугатишга қаратилди.

Фельетонда Н. Қорабоеванинг шахсиятига айтилган гаплар текширишда тўғри бўлиб чиқмади.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ МЎЛ ЕТИШТИРАЙЛИК!

Механизатор— дала хўжайини! Механизаторларга бундай ном берилиши бежиз эмас. Деҳқоннинг оғирини енгил қиладиган қудратли пўлат агрегатларини маҳорат билан бошқариб, яшил ниҳолларни ардоқлаб ўстирадиган, улкан эл хирмонига катта барака киритадиганлар ана шу девкорлар дала суворийларидир. Шу меҳнатсеварларнинг измига бўйсуниб хилма-хил қишлоқ хўжалиги машиналари деҳқоннинг истагини бажаради. Сиз суратда кўриб турган бу очиқ чеҳрали йигит ана шу шижоаткор механизаторларнинг бири Мухсин Маҳкамовдир.

Илғор механизатор Мухсин Маҳкамов Калинин бошқармасидаги машъал «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Холбой Нурманов бошчилик қилаётган 4-бригадаси далаларида астойдил меҳнат қиляпти. Бригаданинг ғўзаларига икки ёқлама сифатли ишлов бермоқда, минерал ўғитларга тўйдириб озиқлантирмоқда. У ҳар куни 7—8 гектар майдондаги ғўзани культивация қилиб ўз ҳамкасабалари ўртасида пешқадамлик қилмоқда.



А. Абалян фотоси.

26 КЎЧИЕВЧИ ЗВЕНО

Хўжалигимизда чигит экиш кампанияси об-ҳаво қийинчиликларига қарамай эрта ва муваффақиятли якунланди. Минг гектардан иборат пахта майдонимизнинг ҳаммасига ўн кун деганда уруғ ташлаб бўлдик. Ерларимизнинг ярмидан кўпроғига чигитни квадрат-уялаб экдик. Уруғликни янтарь кислотаси билан дориладик. 200 гектар баҳорикор ерга бу йил биринчи бор «оқ олтин» уруғи тушди. Бу ерларни ўтган йил кузида ўзлаштириб, асосий экин майдонларимизга қўшиб олдик.

Экиш кампанияси вақтида далаларимизда 18 та агрегат тўла қувват билан ишлаб турди. Кунда ҳар бир сеялка билан нормада белгиланганидан ошиқ ерга чигит экилди. Экиш агрегатларини моҳир механизаторларимиз — кўчиевчи звеноларимизнинг бошлиқлари бошқаришди.

Ишлаб чиқаришни звено типида ташкил этиш ҳозирдаёқ яхши самаралар бермоқда. Меҳнатда яхши сифат ва юқори унумдорликка эришилмоқда. Кўчиевчи звенолар ҳозир колхозимизда 26 тага етди. Меҳнатнинг оғир юкини қудратли техника елкасига ортиб, уларнинг рулини азамат механизаторларимиз қўлига бериб қўйдик. Асосий умидимиз ана шулардан. Улар техникага суяниб иш олиб бориб, арзон ва мўл пахта етиштирадилар. Қўл меҳнатини чеклаб, меҳнат сарфиётини кескин камайтирадилар. Колхоз пахтачилигини юқори поғонага кўтарадилар.

Механизаторларни моддий томондан рағбатлантиришни тўғри ташкил қилдик. Бу эса ишни жонлантириб юборишда катта роль ўйнайди. Механизатор звено бошлиқларига ер майдонларининг катта-кичиклигига, етиштириладиган ҳосилига қараб 80 дан 100 сўмгача ойлик белгиладик. Бошқа қулай шарт-шароитлар ҳам яратиб бердик.

Ҳар бир муваффақият маълумки, ўз-ўзидан қўлга кирмайди. Бунинг учун ҳалол тер тўкиб меҳнат қилиш, ниҳолларни меҳр қўйиб парваришлаш лозим. Экиш давридаги қаттиқ ёвингарчиликлар ишимизга жиддий халал берди. Чигитнинг унib чиқиши бирмунча хаяллади. Эндиликда ана шу қўлдан кетган имкониятнинг ўрнини қоплаш учун ҳаракат қиляпмиз. Ғўзаларга сув тараш вақти ҳам келди. Биз бу тадбирни ўтказишдан олдин агроном, кекса сувчиларимиз билан бамаслаҳат бир фикрга келишиб олдик. Ер участкаларининг табиий шароитига қараб даставвал сугорилиши зарур бўлган карталарни аниқлаб чиқдик. Ғўзалар қониб сув ичсин, сув эгатларда яхши оёқласин деб карталар ўртасидан ҳам ўқариқ олдик. Пайкаллар бошига етарли миқдорда чим чиқариб қўйдик. Эрта-кечлари ғўзаларни суғоришга киришамиз. Бу соҳада бой тажрибаси бўлган 60 сувчимиз бор. Суғоришни тунда ташкил этамиз. Сувни маромида тарақ, қатлаб кетишига йўл қўймаймиз. Юқоридаги қатор агротехник тадбирларни барвақт ва сифатли амалга ошириш эвазига барча майдонларимиздаги ғўзаларимизни 1 июнга қадар бир текис шоналатиб оламиз.

Бутун парвариш даврида ғўзаларимизга кўндалангига жами уч марта, узунасига беш марта ишлов берамиз, экининг талабига қараб вақтида суғорамиз. Озиқлантиришни июлнинг ўрталарига қадар кечиктирмай тамомлаймиз. Бу йил 600 гектардаги пахтамизни «зангори кема»лар билан териб олишни планлаштириб қўйибмиз. 15 та ХВС ҳозирдаёқ ишга тўла шайлаб қўйилган.

Бу йил айни куз кезларига бориб республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллик тўйи нишонланади. Республикамиз партия ҳукуматининг яқинда эълон қилинган Мурожаатидан бениҳоя руҳланган азамат пахтакорларимиз бу улуғ айёмни муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун курашаяпти. Бу йилги мавсумда она-Ватанга 2100 тонна «оқ олтин» дурдонаси тортиқ қилишга аҳд қилганмиз. Бу сўзнинг устидан албатта чиқамиз.

И. ҲАЙДАРОВ,
Бўка бошқармасидаги «Гулистон» колхозининг раиси.

ИЛҒОРЛАР СОҲАСИДАГИ ҚОЛОҚЛАР

Борлиқни гулга буркаган аввал ёз фасли бизни яна далага — яшил квадратлар қучоғига чорлаб келди. Йўл четидаги дарахтлар ва буталар яп-роқ ёйган, ҳаво оромбахш ва мусаффо эди.

Рўпарадаги яшил квадратлар денгизи кишига завқ бахш этади. Бу Ўрта Чирчиқдаги Киров номли совхознинг 1-бўлим даласи эди.

Узоқдан ғўзани культивация қилаётган универсалларнинг овози ва бир тўп бўлиб дала четидаги ёввойи ўтларни ўлдираётган йигит-қизларнинг қувноқ кулгилари эшитилиб турарди. Механизаторлардан Ҳасан Ҳўжаев, Матқаюм Йўлдошевлар бўлимнинг сўнгги картасини бирини культивациядан чиқараётган эканлар.

Мана, Қундуз Абдулҳамидова, ёнидаги дугонаси Насиба Султонова, хув онаси йигит Абдулҳақ Худойқулов. Булар бўлимнинг машъаллари.

Механизаторларнинг ишини кузатдик. Тракторга тиркалган осма агрегат ғўза қатор ораларини юмшатиб кетаяпти. Ҳademай, бу ерларда «оқ олтин» чамани бунёд бўлади! Шу пайт олдимизга 52 ёшлардаги киши келди. У бўлим бошлиғи Жуманазар ака Комилов экан. Жуманазар ака бўлим ишчилари гектарларнинг тўла бўлишини таъминлаш учун кураш олиб борганликлари ҳақида завқланиб гапирди.

Бўлимнинг 970 гектар пахта майдони бор. Пахтакорларнинг ҳаёл қар гектаридан пландаги 22 центнер ўрнига камида 25 центнердан «оқ олтин» етиштиришдир.

— Биз,— дейди Жуманазарака,— бултур 968 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 24 центнердан ҳосил етиштириб, пахта тайёрлаш планини 103 процентдан ошириб ado этдик. Сифатсиз ишда унум бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз ғўзага сифатли ишлов беришга алоҳида эътибор бераяпмиз.

Совхоз 1957 йилда ташкил топган. Лекин бирор йил ҳам пахта тайёрлаш йиллик планини бажарган эмас. Бунинг устига ҳосилдорлик ҳам гоҳ ошиб, гоҳ пасайиб боради. Чунончи, совхоз тўрт йил мукаддам гектаридан 16,62 центнердан ҳосил олган бўлса, кейинги йили ҳосилдорлик 2,85 центнерга камайиб кетди. Бултур эса ҳосилдорлик чакки бўлмади. Бу йил эса совхознинг илғор бўлимларида мўл ҳосил учун астойдил кураш бошланган. Шундорланган ерларда етарли нам тўпланишга эътибор берилди, майдонлар сифатли бороналанди, чигит вақтида кўндалангидек экилди. Мана энди кўпчилик карталарда ғўзанинг ривожи ёмон эмас.

Совхозда моддий манфаатдорликни ошириш устида ҳам бир қатор тадбирлар белгиланди. Агарда бўлим ишни сифатли бажариб, ишлаб чиқариш харажатларини тежаб қолса, иқтисод қилинган маблағнинг ҳаммаси ишчиларга қўшимча ҳақ сифатида тўланади. Планини ошириб бажарса, белгиланганидан ортиқ даромаднинг 40 проценти ҳам ишчиларга берилади.

Совхозни бу йил оёққа турғазиш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган. Бундан руҳланган совхознинг 4-бўлимидаги кўпчилик бригада аъзолари ғўза парваришини тез ва сифатли олиб бормоқдалар. Бу яхши. Лекин ҳар дам ғанимат бўлган шу кунларда совхознинг баъзи бўлимларида ғўза парваришини суст боряпти. Мана Геннадий Пак бошлиқ 3-бўлимни олайлик. Бу бўлимда экиш кампаниясига тайёргарлик айниқса ёмон уюштирилган эди. Ўта чопиқ трактори, 26 та культиватор муддатида ремонт қилинмагани сабабли ғўза парваришини анча кеч бошланди. Шунинг учун ҳам графикда белгиланган культивация қилиниши лозим бўлган майдоннинг ярми ҳам культивациядан чиқарилмаган. 1,050 гектар майдоннинг 150 гектаригина культивация қилинган. Далага ҳар куни 390 ишчи ўрнига 150—200 ишчи чиқаяпти.

Бўлимнинг Ҳамро Ҳолдоров бошлиқ 3-бригадасида бўлсангиз, ғўзаларнинг бўйинга ўт чирмашиб ётганини кўриб ҳайратда қоласиз. Бундай ўт босган карталар 150 гектардан ортиқ. Пак Василий бошлиқ 7-бригададаги аҳвол эса бундан ҳам аянчлари. Кўп майдонлар ҳалигача эгаладан чиқарилмаган. Ғўзалар ўт ичида нимжон бўлиб ётибди. Бўлим раҳбари Геннадий Пакнинг эса парвойи-палак. Ғўза парваришининг долзарб пайтида шу аҳволда иш олиб бориш билан мўл ҳосил етиштириб бўладими, ахир?!

Мавжуд камчиликлар тезда бартараф этилмаса, бўлим ишчилари бу йил ҳам ўтган йилдагидек бармоқ тишлаб қолишлари мумкин.

Совхознинг 2-бўлимида ҳам ўтган йили пахта тайёрлаш плани бажарилмади. Бу йил ҳам силжиш бўлмаяпти. 3-бўлимда юз бераётган камчиликлар бу ерда ҳам такрорланмоқда. Совхознинг илғор бўлимларида иккинчи культивация бошлаб юборилади деб турибди-ю, амма ғўза бу ерда ҳали биринчи культивациядан чиқарилмаган.

Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти қолоқ бўлимларга амалий ёрдам бермоқда. Фақат иш яхши кетаётган бўлимларни айланиб ҳамма иш жойида, деб юраверши билан совхозни қолоқликдан чиқариб бўлмаслиги аён-ку. Совхозни орқага тортаётган бўлимларнинг ишидаги нуқсонларни бартараф қилишда совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти жонбозлик кўрсатиши зарур.

Ҳ. ИКРОМОВ,
С. ЕҚУБОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбирлари.

М. МАМАДАМИНОВ,
мухбирлар постининг аъзоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НИНГ РЕЙДИ

ЕМИШ СОЗ БЎЛГАЧ...

Турсуной билан Хадича бир-бири билан мусобақадош. Ҳар иккаловининг ҳам боқувида 20 бошдан соғин сигир бор. Уларнинг бир кунлик соғиб олиган сутлари ҳам кўпинча бир миқдорга тўғри келиб қолади. Шунда дугоналар ажабланишиб бир-бирларига:

— Дугонажон, доим бирдек одимлаймиза,— деб қўйишади қизлар ҳар учрашишганда. Шунда икковининг ҳам дилида «мақсадимиз, тилагимиз ҳам бир-да, жон ўртоқ» деган фикр гавдаланади. Ҳа, уларнинг иккови ҳам бу йил она-Ватанга 20 тонна серқаймоқ сут армуғон этишга аҳд қилишган.

Турсуноийларнинг колхози Бўстонлиқнинг энг баҳаво, хушманзара — Сойлиқ қишлоғида жойлашган. Шуниси ҳам борки, атроф адр, яланг тоғлик, унчалик ўт сероб эмас. Лекин хўжаликнинг миришкор чорвадорлари боқувдаги молларга етарли озуқа тайёрлашга одатланиб қолишган. Шунинг учун ҳам дугоналар ҳар бош сигирдан бир хилда сут соғиб олишади-да!

Деҳқон таъбири билан айтганда авжи «илит узилди маҳал»да ҳам Турсунойларнинг сигирлари сутни бир граммҳам камайтирмади. Чунки, сигирлар тўйиб-тўйиб ширали силос, лавлаги, ем ейишарди.

Чорванинг емиши соз бўлса, берадиган маҳсули ҳам мўл бўлади. Фермaнинг сут соғувчилари Хадича Умарова билан Турсуной Рўзматовалар тўғрисида фикр юритганда улар ишлаётган Юқори Чирчиқдаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози, унинг моҳир чорвадорлари ҳақида гапирмай бўладими.

Ҳўжаликнинг моллари меҳр билан парвариш қилингани туфайли Турсуноийлар дастлабки ютуқларини қўлга киритишди. Колхоз эса она-Ватанга сут топшириш ярим йиллик планини аллақачон бажариб қўйди. Чўпон ва молбоқарларнинг ҳиммати, меҳнати туфайли гўшт топшириш ҳам ортиғи билан бажарилди. Бу ютуқни қўлга киритишда эса колхоз маккажўхорикорларининг катта ҳиссаси бор.

Колхозда Рамазон Ҳолидов бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси бор. Чорва молларига соз емишни шулар тайёрлаб й д и. Улар бу йил 140 гектар майдонга маккажўхори экишган. Шундан 100 гектарида силос учун кўкпоя етиштирилади. Шу кунларда азаматларнинг далаларида бўлсангиз белга уриб қолган серавж жўхори пояларини кўриб кўзингиз қувнайди. Комсомоллар унинг ҳар гектаридан 1000 центнердан кўкпоя олишни мўлжаллаб туришипти. Қолган 40 гектар майдонда эса улар икки марта ҳосил етиштириб, гектаридан 100 центнердан дон олишга бел боғлашган.

Областимиз чорвадорлари диёримиз юбилейи муносабати билан республика партия ва ҳукуматини барча меҳнаткашларга қарата чиқарган мурожаатидан руҳланиб она-Ватанга мўлкўл гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари армуғон этишда дастлабки ғалабаларни қўлга киритдилар. Шу боисдан бугунги кунда областимиз чорвадорлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг илғор чорвадорлар учун таъсис этган Кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Областимиз чорвадорларининг бу юксак ғалабасида «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози чорвадорларининг муносиб улуши бор.

Ф. УСМОНОВА.

ИНОБАТЛАР ЧАШМАСИ

Инобат фермага келиб-кетаётган ҳамма одамларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилади. Ҳатто тонг ёришмаган эди. Унинг шарпасини сезган сигирлар маграшиб ўринларидан қўзғолишди. «Жониворлар-эй, мактал бўлиб туришади-да, еликлари ҳам тирсиллаб кетипти» дилидан ўтказди сут соғувчи, енг шимариб ишга ҳозирланар экан.

Фермада кўпиклари ошиб-тошиб янги соққан сутнинг ҳиди таралди. Бирин-кетин Жоҳоной, Шарифа, Манзуралар ҳам келиб қолишди. Тонгги ҳаёт бошланди.

Инобат фермaнинг бош сут соғувчиси. Унга 19 бош соғин сигир биркитилган. У кунда шу сигирларнинг ҳар бирибдан 8—10 литрдан сут соғиб олади. Мана бугун ҳам салкам 200 литр серқаймоқ сутни бидонларга қуйиб шаҳар аҳолисига жўнатди. У соққан сутни серқаймоқ дедик. Ҳа, қуюқ, мойлилиги юқори процентли. Чунки Инобат сигирнинг елинида сут қолдирмай соғиб олади, сигирнинг ийинди, серқаймоқ сути энг охирида соғилади. Бунинг устига тоза соғилган сигир кейинги соғишда яна сутини оширади. Инобат буни яхши билади. У дугоналарини ҳам шунга ўргатган. Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXI съезди» совхозининг сут соғувчилари шунинг учун ҳам кунлик, ойлик нормаларини ортиғи билан адо этишаяпти.

Инобат Қодированинг ўзи ўтган йили 55 тонна сут соғиб берди. Бу йил у ҳар бош соғин сигирдан 3 минг литрдан сут соғиб олиш учун курашмоқда. Дастлабки натижалар қувончли. Инобат ҳам, унинг дугоналари ҳам ўтган тўрт ярим ой ичида белгиланган марradан анча ўзиб кетишди. Улар тонналаб сут булоғи яратаётирлар.

Ж. СОДИҚОВА.

ГЎШТ МЎЛ БЎЛАДИ

Биз фермада бузоқ танлаш устидан чиқиб қолдик. Ферма мудири Юнус Зиёев билан ассиминатр Юсуф Исабоев ўртоқлар бузоқ танлашаётган экан.

— Мана бузоқларимиз, ёққанини танлаб олабер, — дейди Юнус ака Юсуфга ҳовли саҳнида сайр қилиб юрган бузоқларни кўрсатиб.

— Дуруст ҳаммаси ҳам бир-биридан кам эмас, — жавоб қилди Юсуф, ёнида турган олабўзоқнинг сағринини шапатилаб, — манавиниси ҳам жуда боп.

Ю. Исабоев ассиминатрлик қилаётган «Коммунизм» колхозининг чорвачилик фермасида сунъий кочириш иши кенг йўлга қўйилган. 1963 йилда сунъий кочирилган 240 бош сигирдан 263 та бузоқ олинди.

— Бу Янгийўл бошқармасидагина эмас, областда ҳам энг юқори кўрсаткич,— деди Юнус ака.— Сунъий қочирилган сигирлардан олинган бузоқлар бошқаларига қараганда соғлом ва бақувват ўсмоқда.

Бу усул қўллана бошлагандан буён колхозда давлатга гўшт топшириш плани мунтазам ошириб бажарилмоқда. Гўшт топширишгина эмас, зотдор сигирлар сони анча кўпайиб, сут соғиб олиш ҳам ошди.

Ф. ШОҲИСМОИЛОВ.

МАРРА—30 ЦЕНТНЕР

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Калинин номли колхоз бир неча йилдан бери давлатга пахта сотиш планини бажараолмасдан келарди. Колхоз правлениеси бу доғни ювиш учун 1963 йилда пухта тадбирларни ишлаб чиқди. Бригада бошлиқлари, механизаторлар тажрибали кишилардан бўлди. Ерларга етарли миқдорда минерал ва маҳаллий ўғит солиниди ҳамда сифатли қилиб ҳайдалди. Суғориш ва озиқлантириш бир-бирига боғлаб олиб борилди. Ғўза парваришн агротехника қоидалари асосида ўтказилди.

Ҳалол меҳнат ўз самарасини кўрсатди. Пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан ўтди. Ўтган йили бу колхоз аъзолари ҳосилдорликни қарийб 35 центнерга етказиб, планни ҳам, мажбуриятни ҳам оширн билан бажаришга муваффақ бўлдилар. 1962 йилда ҳар гектар ердан 5 центнердан пахта ҳосили олган коммунист Анорбой Ужавов бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили давлатга 17 ўрнига 25 центнердан «оқ олтин» топшириб, мажбуриятни ошиғи билан бажардилар. Колхоз правлениеси ўртоқ Ужавовнинг қилган меҳнатларини ҳисобга олиб уни «Урал» мотоцикли билан мукофотлади.

Ўтган йилги ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун курашаётган меҳнатсевар колхозчилар бу йил ҳам унумли меҳнат қилмоқдалар. Колхозда пешқадамликни эгаллаб келаётган ўртоқ Ужавов бошлиқ бригада аъзолари чигитни бир текис унидириб олдилар ва ягоналаш ишларини тугалладилар. Ғўза ниҳолларига сифатли ишлов берилмоқда. Колхозчиларнинг бу йилги марраси 30 центнер. Ҳозир шу йўлда кураш олиб борилаяпти.

А. УМИРОВ.



Юқори Чирчиқдаги Фрунзе номли колхоз чорвадорлари ҳар йилгидек бу йил ҳам фидокорона меҳнат қилиб, гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш учун курашмоқдалар. Суратларда: (чап да) колхознинг пешқадам сут соғувчилари Сайрам Раззоқова, Унсиной Абдуранмова, Шароф ат Кошкинбоева ўртоқлар, (ўнг да) моллар очиқ ҳавода яйратиб боқилмоқда.

В. Салов фотоси.

ОТАШИН РЕВОЛЮЦИОНЕР ВА АДИБ

(САКЕН САЙФУЛЛИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА)

<> <>

Қозоқ адабиётига асос солувчилардан бири, машҳур адиб ва жамоат арбоби, оташин революционер Сакен Сайфуллиннинг сиймоси қозоқ совет адабиётида салмоқли ўрин тутади.

Туғилган кунига 70 йил тўлиши кенг нишонланаётган Сакен Сайфуллин 1894 йилда Қозоғистоннинг собиқ Оқмўла уезднинг Нилди бўлисига қарашли 1-овулда (ҳозирги Қарағанда областидаги Янгиариқ районида) дунёга келди.

Сакен дастлаб Успенский мис заводига қарашли мактабда рус болалари билан бирга 3 йил ўқигач, Оқмўла (ҳозирги Целиноград) шаҳрида билим юртини тамомлайди.

1913—16 йилларда Сакен Омск шаҳридаги ўқитувчилар семинариясида ўқийди ва бу ерда студентларнинг «Бирлик» тўгарагига актив қатнашди. Бу тўгаракнинг ташаббуси билан 1914 йилда Қозон шаҳрида Сакен Сайфуллиннинг 500 мисра шеърини ўз ичига олган илк шеърлар тўплами босилиб чиқди.

Семинариядаёқ мавжуд тузумдан норозилик тўйғулари шаклана бошлаган Сакеннинг революцион дунёқараши Улуғ Октябрь революциясидан сўнг унинг ижодий фаолиятида ёрқин ўз аксини топди.

У 1917 йилда Оқмўлада Совет ҳукуматининг тикланиши учун актив курашди ва «Тирикчилик» газетасини ташкил қилишда ташаббус кўрсатди.

Сакен ҳамда маслакдошларининг жўшқин революцион фаолиятидан газабланган контрреволюцион кучлар зимдан куч тўплаб, 1918 йилнинг май ойида Оқмўлада Совет ҳукуматини ағдарди. Натижада Сакен Сайфуллин бошлиқ бир группа большевиклар қамоққа олинди. Петропавловск, Омск шаҳарларидаги Колчак тюрмаларида ва атаман Анненковнинг жазо вагонларида икки йил чамаси энг машъум азобларни бошидан кечирган Сакен 1919 йилнинг мартида маҳбуслар лагеридан қочиб, Тошкентга келиб бошпана топади.

Колчак тюрмалари ҳам, атаман Анненковнинг жазо вагонлари ҳам жўшқин қалбини сўндира олмади. Сакен тюрмаларда ётган чоғларида «Тергаган бўлсанг, айтайин», «Адашганларга», «Соғиндим», «Қамоқдан», «Биз томонда», «Тоғ орасида», «Қочоқнинг овули», «Ёш қозоқ марсельезаси», «Ўлда» каби бир қанча революцион руҳдаги лирик шеърлар ёзди.

Сакен Сайфуллин Қозоғистонда Совет тузумини мустаҳкамлашда жуда катта жонбозлик кўрсатди. У 1920 йилда Қозоғистон Автоном республикаси ташкил этилганда республика Марказий Ижроия Комитетининг президиум аъзоси, 1922 йилда эса Қозоғистон Марказий Ижроия Комитетининг раис муовини ва кейинчалик эса унинг раиси бўлиб сайланди. Ана шу йилли Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети аъзоси бўлиб сайланган Сакен 1924—1937 йиллар орасида республика миқёсидаги муассасаларда масъул ходим, олий ўқув юртларида ўқитувчи ва «Адабиёт майдони» журналининг редактори бўлиб ишлади.

1937 йилда машҳур адиб, оташин революционер Сакен Сайфуллин Сталин шахсига сиғиниш даврининг қурбони бўлди.

Сакен ижоди мазмунан бой, шаклан ранг-баранг. Унинг 1915—1921 йиллар орасида ёзилган шеърларини ўз ичига олувчи «Осов тўлпар» (1922 йил) тўплами, «Бахт йўлига» (1917 йил), «Қизил шуққорлар» (1920 йил) пьесалари, «Дўмбира» (1924 йил), «Экспресс» (1926 йил) поэмалари ва Қизил ўрдада бошланиб 1928 йилда Тошкентда тамомланган «Кўкчатов» поэмаси янги туғилиб келаётган қозоқ совет адабиётининг энг катта ютуқлари бўлди.

Жанр нуқтаи назаридан Сакен ижоди хилма-хилдир. Унинг 1927 йилда босилиб чиққан «Тор йўл—тайғоқ кечув» воқеа романи, «Ер қазувчилар» ҳикоялар тўплами, «Қизил от», «Альбатрос», «Турмуш тўлқинида», «Социалистон» поэмалари, «Ойша», «Бизнинг турмуш», «Довул олдида», «Мевалар» повестлари ва жуда кўп шеърлари фикримизнинг далилидир.

Қозоқ адабиётида Ленин образини доҳийнинг ҳаёт пайтида дастлаб мужассамлантирган Сакен Сайфуллидир. Унинг 1923 йилда ёзилган «Ленин» шеъри қозоқ адабиётида мазмун томонидангина эмас форма томонидан ҳам янгилик бўлди.


Сакен Сайфуллин шоирнинг эмас, таниқли таржимон ҳамдир.

У улуғ Ленин асарларини қозоқ тилига биринчи бўлиб таржима қилди ва марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўрганди. Сакен Сайфуллин ўз асарларида халқлар дўстлиги, интернационализм ва ватанпарварлик ғояларини илгари суриб, меҳнаткашларнинг ўз синфий душманларига қарши курашда миллатидан қатъий назар қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилишини тарғиб қилди.

Сакен Сайфуллин Тошкентда бир неча бор бўлган, кўпгина шеър ва «Кўкчатов» поэмасини Тошкентда ёзиб тамомлаган. «1927 йилнинг куз фасли эди, —деб ҳикоя қилади Собит Муқонов, —Сакен Сайфуллин иккимиз Абдулла Қодирийнинг уйида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан учрашдик. 1920 йилга қадар бир-бирини кўриш ўёқда турсин, ҳатто номини ҳам эшитмаган бу икки одам (Ҳ. Ҳ. Ниёзий ва С. Сейфуллин)... «Аврора» тўпларининг овозидан уйғониб, революциянинг биринчи кунлариданоқ Октябрь ғалабаларини куйладилар. Ҳамза «Ишчиларга» шеърида ўзбек меҳнаткашларини, Сакен «Кел, йигитлар» шеърида қозоқ меҳнаткашларини Ленин байроғи остида ёвларга қарши жангга чақирди...»

Ўз қисқа умрида жуда катта адабий мерос қолдирган Сакен Сайфуллин 1936 йилда совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди. Қозоқ совет адабиётига асос солувчиларнинг пешқадами, Сакен Сайфуллин асарлари ҳаётимиз юксалган сари ўз аҳамиятини тобора ёрқинроқ намойиш қилмоқда.

Ю. АБДУВАЛИЕВ.



Қўйлиқдаги уйсозлик комбинати шаҳарчаси кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда қисқа муддатда кўп қаватли бинолар қад кўтараяпти. Суратда: яқинда фойдаланишга топширилган янги тураржой бинолари.

М. Нуриддинов фотоси.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

23 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 —**Қизиқ ўйинчоқлар** (кичкинтойлар учун). 17.15 — **Меҳмонларимиз-химикларнинг болалари.** 17.40— **Совет спорти** киножурнали. 17.50 — **Телевизион янгиликлар.** 18.05 —Қўшиқчи композитор **В. С. Левашов.** 18.50 — **замонавий квартиралар учун мебель** (илмий-оммабоп фильм). 19.00— **Бадиий гимнастика бўйича СССР биринчилиги мусобақалари.** 20.10 —**Қимматбаҳо совға** (кинокомедия).

21.25 —**Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.30— **Телевизион миннатюралар.** 22.00. —**Телевизион янгиликлар.** 22.15 — **Кўчиевчи бригадасида.** 22.30 — **Турмушнинг юксак маданияти учун.** 22.50 —**Ҳазили йўқ** (киноновеллалар давоми).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 20.20 —**Бадиий гимнастика бўйича СССР биринчилиги мусобақалари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ТЕАТРДА — 23/V да **Чио-Чио-Сан,** 24/V да кундуз **Опералардан парчалар,** кечқуруи **Дон Жуан.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ТЕАТРДА — қишки мавсумнинг ёпилиши олдидан —23/V да **Гамлет.** Кеч соат 8 да бошланади.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ТЕАТРДА — 23/V да **Тошболта ошиқ,** 24/V да янги спектакль **Зуҳраннинг мантублари.**

КИНО

ҚИШКИ ВИНОДА:

Шайтон ва ўн насиҳат — «ВАТАН», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 2 ярим, 5, кеч 7 ярим ва 10 да).

Чўлдаги икки киши — НАВОИЙ номидаги (эрталаб соат 10-45, кундуз 12-20 минут, 2, 3-20 минут, кеч 6 ярим ва 8-20 минутда, «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз 1, 3, 5 ярим кеч 7 ва 9 да), «ВАТАН» (эрталаб 11-45 минут ва кундуз 1 да).

Кенжа ўғил кўчаси (эрталаб соат 10 да), **Бой ила хизматчи** (кундуз 5 да ўзбек тилида), **Гадой қиссаси** (кеч 10 да)— НАВОИЙ номидаги.

Ун саккизинчи йил — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

ЕЗГИ ВИНОДА

(кеч соат 8-45 минут ва 10 ярим да)

Алло номерда янглишибсиз — «ОКТЯБРЬ».

Король Королю —«ВАТАН».

Чўлдаги икки киши — НАВОИЙ номидаги. «ЎДАРНИК».

Шайтон ва ўн насиҳат —«ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 10 яримда).

Каролина Риенсная —КАФАНОВ номидаги.

Хотин нетганда —ТЕЛЬМАН номидаги (кеч соат 8 яримда).

Менинг севгим —1 МАЙ номидаги.

Биринчи троллейбус —«ШАРҚ».

1964 йил 2 июнь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 55-а уй, ижтимоий фанлар институтлари конференц-зали)

Б. С. Сулейменов — тарих фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «XIX асрнинг учинчи чораги ва XX аср бошларида Қозоғистонда ер масаласи» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИ

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Тошкент шаҳар, Лепехин кўчаси, 1-уйда турувчи **Юрий Фаридович Таировнинг** Свердловск шаҳар, Технологическая кўчаси, 3-уй, 38-квартирада турувчи Юлия Ивановна Чупаченкодан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Сағбон кўчаси, Ленточний проезд, 87-уйда турувчи **Тоҳиржон Зокировнинг** Сағбон кўчаси, Ҳуррият проезд, 57-уйда турувчи Машкура Зокирова (Йўлдошева)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Зайцев кўчаси, 17-уйда турувчи **Тошпўлат Қосимовнинг** 1-Оқлон, Рязанская кўчаси, 40-уйда турувчи Марҳамат Қосимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Олмалиқ янгиликлари

ҲОВЛИ ТУЙИЛАРИ

Республикамизнинг энг ёш шаҳарларидан бири Олмалиқда қурилиш-монтаж ишларининг суръати шу қадар жадалки, бу ерда ҳар куни бир объект фойдаланишга топширилади десак, ишонаверинг.

Олмалиқ Чилонзори — 10-микрорайонда сўнгги икки йил ичида ўнга яқин кўп қаватли уй-жой, мактаб, болалар боғчаси ва ясли, магазин қурилиб фойдаланишга топширилди. Яқинда ана шу жойда яна бир 36 квартирали ҳашаматли уй шаҳарликларга тухфа қилинди. Йил бошидан бери шаҳарда тўртта йирик уй-жой бинолари қад кўтарди. Металлурглар, кончилар, бинокорлар ва бошқа касб эгаларининг 200 га яқин оиласи ана шу уйларда ҳавли тўйи ўтказди.

Олмалиқда яна бир квартал қурилиши бошланди. Островский кўчасида бунёд этилаётган тўртта янги кўп қаватли бино яқин кунларда қўлдан чиқади.

ХАРИДОРЛАР СИЗЛАР УЧУН

Ленин ва Карл Маркс кўчаларининг муюлишида тўрт қаватли кўркам бино қад кўтарди. Бинонинг биринчи қавати озиқ-овқат, иккинчи қавати эса саноат моллари магазинидир. Ҳозир магазиннинг 40 савдо ходими харидорларга намунали хизмат кўрсатаяпти. Яқинда очилган ёшлар кафеси ҳам шу бинога жойлашган. Унинг биринчи қаватида иссиқ ва мазали таомлар, иккинчи қаватида эса совуқ ичимликлар, шунингдек мороженоелар истеъмол қилишингиз мумкин.

КИЧКИНТОЙЛАРГА СОВҒА

Ленин кўчасида янги болалар дунёси магазини ишлайбошлади. Бу магазинга исми жисмига монанд қилиб «Гунча» номи берилди.

10-микрорайонда 280 ўринли болалар боғча-яслиси қуриляпти. «Алмалиқсвинецстрой»га қарашли биринчи қурилиш бошқармасининг қўли гул бинокорлари болалар комбинатини муддатидан олдин фойдаланишга топширишга ҳаракат қилмоқдалар.

РАВОН ЙЎЛЛАР

Шаҳарликлар бу йил 20 та шанбалик ўтказдилар. Ўн мингга яқин киши қўлига кетмон, белкурак, супурги олиб кўча ва хиёбонларга чиқди. Олмалиқликлар қадрдон шаҳарларини янада чиройли ва кўркам қилиш учун сидқидилдан ишлашди. Улар кўчаларни текислаб, ариқ-зовурларни тозаладилар, 60 минг тупга яқин турли мевали ва манзарали дарахтлар, ўн минглаб гул кўчатлари экдилар. Мактаб ўқувчилари эса 10 та янги спорт майдончаси барпо этдилар.

Йўл равон бўлса, манзил яқин деган гап бор. Олмалиқликлар шаҳар кўчаларини равон қилишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Фақатгина шу йил бошидан буён салкам 25 километр йўл, 11,5 километр йўлкага асфальт ётқизилди, 8 километр йўл капитал ремонтдан чиқарилди. Шуниси қувончлики, бу ишларнинг ҳаммаси шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари, турли муассасалар ходимларининг ўз кучи билан амалга оширилмоқда.

Т. МИРҲОДИЕВ, Ш. УМУРЗОҚОВ.

ГИПЕРТОНИЯГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТ

Медицина статистикасининг таъкидлашича, одамлар ҳаммадан кўп юрак, томир касалликлари билан оғрийдилар. Бу касалликлар орасида гипертония касалликлари биринчи ўринда туради.

Гипертонияни ҳар хил усул билан даволайдилар. Яхши таъсир қиладиган препаратлардан бири резерпиндир. Бу препарат тропик шароитда ўсадиган ўсимликлардан олинади.

Фармакологлар озгина бўлса ҳам ёмон таъсир қиладиган дори-дармонлардан фойдаланмасликка ҳаракат қилишади. Бироқ айрим ҳолларда дори-дармон тайёрловчилар бунда истисногa йўл қўйишга мажбур бўладилар.

Резерпин билан ҳам шундай бўлган. Бу препарат қон босимини туширади-ю, баъзан одам психикасига ёмон таъсир қилади, организмнинг активлигини пасайтиради. Айрим беморларда у қаттиқ бош оғриғи вужудга келтиради. Ҳатто шундай мулоҳазалар ҳам айтилган эдики, гипертонияни даволаш пайтида ёмон таъсир қиладиган ҳаволдан қутилиш мумкин эмас.

СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Александр Терентьев Москва давлат университети лабораториясида янги дори нархин препарати ҳосил қилиб бундай фикрни рад этди.

Университет олимлари Минск медицина институти фармакологлари билан биргаликда чуқур тадқиқотлар олиб борганларидан сўнг ҳайвонларда тажриба ўтказдилар.

Сўнгра Москва клиникаларидан бирида профессор Михаил Егоров катта клиник синовлар ўтказишга киришди. АПН мухбири синовлар қандай ўтаётганлиги ҳақида профес. сордан сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Яхши натижаларга эришдик,— дейди профессор, — препарат ҳаммани гипертониядан фориғ этмайди, албатта. Касаллик нучайиб кетган одамларда унинг фойдаси озроқ бўлади. Аммо диминарбин гипертония билан оғриган юз бемордан 60 тасининг аҳволини яхшилади. Янги препаратнинг энг муҳим афзаллиги шундаки, у мутлақо зарарсиздир.

(АПН).

ФУТБОЛ

СПАРТАКЧИЛАР ПЕШҚАДАМ

Совет Иттифоқи биринчилиги учун РСФСР бешинчи зонасида беллашаётган командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қандай?

Биринчи марта мастерлар сафида қатнашаётган Андижон «Спартак» командаси ўз мухлисларини ҳурсанд этмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Е. Валицкий шогирдлари уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ўйнаб учрашувдан учрашувга маҳоратларини ошириб бормоқдалар.

Областимиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган «Политотдел» (Юқори Чирчиқ) ва «Химик» (Чирчиқ) командалари стартни бирмунча муваффақиятсиз бошладилар. Колхоз футболчилари беш учрашувнинг биттасида ғалаба қозониб, тўрттасини дуранг билан якунладилар. «Политотдел» (тренери С. Будагов) командаси пешқадамлар қаторидан ўрин олиши учун барча имкониятларга эга.

Чирчиқнинг «Химик» командаси (тренери А. Григорянц) ўртача қадам ташлаб бормоқда. Илдамлиш, суръатни ошириш керак. Акс ҳолда чирчиқликлар ўтган йилги кўрсаткичдан (7-ўрин) ҳам пастлашиб кетадилар.

РСФСР 5-зонаси қатнашчилари ўртасида республикамиз командалари бир мунча кучли эканликлари маълум бўлиб қолди.

Аммо мавсумнинг асосий учрашувлари олдинда. Командаларимиз кейинги ўйинларни сафарда ўтказадилар. Сафардан ёруғ юз билан қайтганларидагина эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш мумкин. Ҳозирча Андижон ва Самарқандннинг спартакчилари ҳамда Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари группамизда пешқадамликни ҳеч кимга бермаймиз демоқдалар.

Бугун бўладиган навбатдаги 6-тур олдидан «Б» классида аҳвол қуйидагича:

Командалар	Ўйин	Тўплар	Очко
«Спартак» Андижон	5	14—3	8
«Нефтяник» Фарғона	4	10—2	8
«Металлист» Жамбул	4	7—1	7
«Спартак» Самарқанд	4	7—2	7
«Помир» Ленинобод	5	13—8	6
«Политотдел»	5	6—3	6
«Торпедо» Миасс	5	7—5	6
«Металлург» Магнитогорск	5	3—3	6
«Химик» Чирчиқ	5	4—4	5
«Строитель» Уфа	5	4—4	5
«Уралец» (Нижний-Тагил)	4	3—6	3
«Металлург» Чимкент	5	0—5	3
«Локомотив» Оренбург	3	1—2	2
«Салют» Каменск—Уральск	4	3—10	2
«Динамо» Целиноград	3	0—4	0
«Труд» Тюмень	4	0—7	0
«Строитель» Курган	4	3—15	0

ЧЎЛ ЎРНИДА ГУЛЛАГАН БОҒ

Румин-совет дўстлиги жамиятининг органи «Вяк ноуў» («янги аср») журнали шу сарлавҳа остида мақола эълон қилди. Бу мақолада Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштириш юзасидан Совет Иттифоқида олиб бораётган улкан ишлар ҳақида ҳикоя қилинади. Мақола автори жумладан, қўйидагиларни ёзади: «Ҳар йили совет Ўрта Осиёсида юз минглаб гектар ер суғорилади. Мирзачўлда янгидан-янги каналлар ва сунъий денгизлар мунтазам барпо қилиб келинмоқда. Улар бу қақраган чўлга ҳаёт бағишламоқда. Табиийки, бу ишларнинг ҳаммаси бир неча йилга мўлжалланган бўлиб, аввалдан ишлаб чиқилган план асосида олиб борилмоқда. Бу тадбирлар туфайли 800 минг гектарга яқин ер суғорилди, натижада пахта ҳосилини деярли 700 минг тоннага кўпайтириш имконн туғилди. Мирзачўл ерларини суғориш учун энг янги техникадан фойдаланилмоқда. Жумладан, шу ердаги заводларда тайёрланган темир-бетон трубалар, металл буюмлари, қурилиш материаллари ишлатилмоқда... Мирзачўлда ҳар ўн кишига битта машина ишламоқда.

Мақоланинг охирида яна қуйидагилар таъкидланади: «Совет Иттифоқида чинакамига чўлга ҳужум бошланди. Совет олимлари яқин йиллар ичида чўлларни гуллаган боғларга айлантириш планини ишлаб чиқдилар».

Х. АЛЬТМАН.

БАДИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА СССР ЧЕМПИОНАТИДА

Ўзбекистон пойтахтида ўтказилаётган бадиий гимнастика бўйича Совет Иттифоқи шахсий-команда биринчилигида 21 май эрталаб мажбурий программа бўйича мусобақалар давом этди. Қозоғистон Озарбайжон ва Белоруссия коллективлари ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Спорт шинавандалари ана шу республикалар спортчи қизлари мусобақасининг натижаларини сабрсизлик билан кутар эдилар. Чунки Ўзбекистон командасининг чемпионат жадвалида эгаллайдиган ўрни ана шу учрашувларнинг якунига боғлиқ эди.

Қозоғистон қизлари саҳнага чиқадилар. Улар предметлар билан ва предметларсиз машқларни, коллектив композицияни яхши ижро этадилар. Судьялар коллегияси якуний чиқариб, улар 211, 35 балл олганликларини эълон қилади. Бу эса, Ўзбекистон командасига қараганда деярлик ўн уч балл камдир. Озарбайжон ва Белоруссия гимнастикачиларидан иборат кучли командалар чиқадилар. Лекин улар ҳам Ўзбекистон спортчи қизларига ютқизадилар — озарбайжонликлар ўзбекистонликларга қараганда бир балл кам, белорусслар эса 4,5 балл кам олдилар.

Кечқурун Грузия, Ленинград, Москва, Украина, РСФСР коллективлари чиқдилар. Улар эришган натижалардан қатъий назар Ўзбекистон спортчи қизлари энг кучли олти команда орасидан жой олиш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар.

(ЎзТАГ).



Суратда: тошкентлик спорт мастери Бутузова гимнастик машқ бажармоқда. Судьялар унинг бу машқига 8,7 балл қўйдилар.

А. Абалян фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 23 МАЙ 1964 ЙИЛ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТАИЛАНД ЛАОС ИШЛАРИГА АРАЛАШМОҚДА

ХАНОЙ, 21 май. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги «Лаос овози» радиосининг хабарига асосланиб билдиради: Таиланд маъмурлари ўн кучлар Саваннакет гуруҳининг Лаос ватанпарвар кучларига қарши олиб бораётган курашида унга ёрдам кўрсатиш учун Таиланд қўшинларининг америкалик офицерлар қўмондонлигидаги тўртта батальонини Лаосга юбордилар.

Хабарда Таиланд қўшинларининг ана шу тўртта батальони Вьентьян вилоятининг Пакоандаги Меконг дарёси қирғоғига туширилганлиги кўрсатилади.

Шунингдек, радио Бангкокдан олинган хабарларга асосланиб, СЕАТО блокининг вакиллар кенгаши АҚШнинг Таиланддаги элчиси Г. Мартин раислигида мажлис ўтказганлигини билдиради. Бу мажлисда СЕАТОнинг Лаос ишларига аралашувига қаратилган чоралар муҳокама қилинган.

ДЕҲЛИДА ҚУМ БЎРОНИ

ДЕҲЛИ, 21 май. (ТАСС). Бугун кечаси Деҳлида қум бўрони бўлди. Шамол тезлиги соатига 100 километргача етди. Шаҳар кўчалари қалин қум қатлами билан қопланди. Баъзи жойларда илдизи билан ағдарилиб тушган дарахтлар транспортнинг йўлини тўсиб қўйди. Пойтахтнинг кўпгина районларида электр линиялари шикастланди ва сув таъминати издан чиқди. Қисқа замикание натижасида шаҳарда ёнғинлар чиқди. Палам аэропорти пассажир самолетларини қабул қилишни тўхтатиб қўйди.

Бўрон натижасида ҳарорат кескин пасайди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЁРДАМИ БИЛАН

ДЕҲЛИ, 21 май. (ТАСС). Бу ерда Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилаётган 250 минг киловатт қувватли Обра теплоэлектростанцияси учун керакли машина-ускуналарни Совет Иттифоқининг етказиб бериш тўғрисида Ўттар-Прадеш штати энергия бошқармаси билан Бутуниттифоқ «Технопромэкспорт» бирлашмаси ўртасида битим имзоланди. Ана шу машина-ускуналар 1959 йил сентябрь ойида тузилган битимга мувофиқ, Ҳиндистонга берилган кредитлар ҳисобига юборилади.

Совет мутахассислари электростанцияни қуришда, уни ишга туширишда, шунингдек малакали ҳинд ходимларини тайёрлашда дўст Ҳиндистонга техника ёрдами кўрсатадилар.

24 ЛАР КОМИТЕТИДА

НЬЮ-ЙОРК, 21 май. (ТАСС). Кеча 24 лар комитетида Фил Суяги Қирғоғи, Венесуэла, Ҳиндистон, Ироқ, Мальгаш Республикаси, Мали, Бирлашган Араб Республикаси, Танганьика ва Занзибар бирлашган республикаси, Сурия, Тунис, Уругвай, Чили ва Югославия делегацияларн Ғарби-Жанубий Африка масаласи юзисидан резолюциянинг қўшма лойиҳасини тақдим қилдилар. Лойиҳада Хавфсизлик Кенгашининг эътибори Ғарби-Жанубий Африкадаги танг аҳволга қаратилади. Бундай аҳволнинг сақланиши халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид туғдирмоқда. Резолюция лойиҳасида Ғарби-Жанубий Африка халқининг ўз тақдирини ўзи белгилашга ва мустақилликка бўлган қонуний ҳуқуқи таъкидланади ҳамда Фервурднинг Жанубий Африкадаги ирқчилик ҳукумати Ғарби-Жанубий Африкани аннексия қилишдан воз кечсин, деб талаб қилинади.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

МАЙМУНГА ҲАМ СОЛИҚ

Жонни лақабли маймун Мельбури (Австралия) районидаги Линделей Шмидт деган фермерга тегишли эди. Жонни трактор ҳайдайди, фермернинг дарвозасини очиб-ёпади. Бу маймун қўйлар терисини қуритиш учун ёйиб қўяди.

Солиқ ундирадиган органлар Шмидтни бундан буён давлатга ёлланган ишчилар меҳнатидан фойдалангани учун солиқ тўлайсан деб огоҳлантириб қўйдилар.

КЎЗ... СОТИЛАДИ

Кўр бўлиб қолган америкалик ашулачи Рай Чарльз одамнинг иккита соғлом кўзини 300 минг долларга сотиб оламан, деганда уни ҳеч ким ақлдан озган деб ҳисобламаган эди. У тезда ниятига эришди. Перулик бир йигит бунга рози бўлди. 24 ёшли ишчи Карлос Мартинес битта кўзини 75 минг долларга Чарльзга сотишга қарор қилди. У кексайиб қолган ота-онасини боқиш ва сингилларига таълим бериш учун пулга муҳтож бўлиб қолганлигини айтди.

РАЗИЛ УРУШ УЧУН

ВАШИНГТОН, 21 май. (ТАСС). АҚШ вакиллар палатасининг ташқи ишлар комиссияси кеча президент Жонсоннинг Жанубий Вьетнамдаги уруш учун қўшимча равишда 125 миллион доллар ажратиш тўғрисидаги таклифини маъқуллади.

КОПЕНГАГЕНДА ЮБИЛЕЙ МАТЧИ

КОПЕНГАГЕН, 21 май. (ТАСС) Дания футболининг 75 йиллиги кеча Скандинавия ва Европа терма командаларининг матчи билан нишонланди. Л. Яшин ва В. Воронин қатнашган Европа терма командаси 4:2 ҳисоби билан ғалаба қозонди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05575. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1759.